

УДК:595.7.632/799.15

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ЮЗАГА КЕЛГАНДА ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АХАМИЯТИ

**Юлдашев Орунбай Рахмонбердиевич**

т.ф.н., доцент, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
Фуқаро муҳофазаси институти кафедраси профессори

**Абдуллаева Сурайё Мунировна**

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги  
Мухаммад Ал-Хоразмий номли  
Тошкент ахборот технологиялари университети  
катта ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Фавқулодда вазиятни бартараф этиши борасида зарур бўлган куч ва  
воситаларни ҳисоблашнинг умумлаштирилган методикаси.*

*Калит сўзлар:* Қутқарувчи, бартараф этиши, ўқув машқлари, молиявий ва  
моддий ресурслар.

Иқтисодиёт тармоқларида табиий ва техноген тусдаги табиий оғатлар юзаги келганда аҳолини фавқулодда вазиятлар шароитида тезкор режалаштириш ва бошқаришнинг асосий вазифалари, шахсий таркиби мақбул тақсимланиши ва тезкор бўлинмалар сонини аниқлашдан иборат. Бундай турдаги масалаларнинг аниқ ечимини топишнинг имкони деярли йўқлигига қарамасдан, ушбу соҳадаги расмий усуллардан фойдаланиш етарли даражада муваффақиятли бўлиши мумкин. Шу мақсадда, тезкор бўлинмаларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун юқори устуворликка эга бўлган талабларни танланма равишда навбатга қўйиш, маълум вақт ичida бўлинмалар сонини ўзгартириш мумкинлиги аникланди. Бунда, авария-қутқарув бўлинмалари иши самарадорлигини баҳолаш усуллари қўйидаги параметрлар бўйича олиб борилади:

- ◆ фавқулодда вазиятни бартараф этиши муддатлари;

- ◆ қутқарилган жабрланувчилар сони (жабрланувчила умумий сонидан фоизда);
- ◆ етказилган зарар миқдори (эҳтимолий зарардан фоизли нисбатда, агар авария-қутқарув бўлинмалари жалб этилмаган бўлса);
- ◆ фавқулодда вазиятни бартараф этишга сарфланган ресурслар;
- ◆ ўзаро ҳамкорликда харакатланадиган хизматлар (фавқулодда вазиятни бартараф этиш кучлари ва воситалари сони).

Бундан келиб чиқиб, куч ва воситаларни, фавқулодда вазиятни бартараф этиш стратегияси, кучларнинг унумдорлиги (самарадорлиги), жойлашган жойи ва улардан фойдаланиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш методикаси таклиф қилинади. Фавқулодда вазиятни бартараф этиш учун зарур бўлган куч ва воситаларни ҳисобланишини умумлаштирилган методика асосида қўйидаги аниқланди:

$$K = \sum_{i=1}^n \frac{W_r}{V_j T_r} q_{P_r} q_{C_r} \quad (1)$$

Бу ерда:  $W_r$  – р-турдаги ишлар ҳажми;  
р-фавқулодда вазиятдаги қутқарувшилари турлари;  
 $V_j$  – р-турдаги ишлар даж–бўлинманинг битта бирлиги томонидан бажариладиган ишларнинг ўртача ҳажми;  
ж-р-турдаги ишга жалб қилинган қутқарув бўлинмасининг тури;  
 $T_r$  – р-турдаги ишларни бажариш вақти;  
 $q_{P_r}$  – р-турдаги ишларда об-ҳаво шароитларининг тузатиш коэффициенти;  
 $q_{C_r}$  – р-турдаги ишларда сутка вақтини тузатиш коэффициенти.

Куч ва воситаларни ҳисоблаш формулаларида ишлар вақти, қутқарувчиларнинг дам олишлари ҳисобга олинмаган ҳолда берилади. Қутқарувчиларнинг иш сменаси, ишлар мураккаблиги ва жадаллигини ҳисобга олган ҳолда 3-5 соатни ташкил қиласи. Ишларнинг умумий давомийлиги суткасига 12 соатдан ортиқни ташкил қиласи. Кече ишларнинг умумий давомийлиги қўйидагича белгиланади: ҳар 45 дақиқа ишлашдан кейин–15 дақиқа, иш сменаси тугаганидан кейин–3 соат.

$$T_{coat} = T_3 \cdot 0.25(coat), \quad (2)$$

бу ерда:  $T_3$  – фавқулодда вазиятни бартараф этишга берилган вақт. Суткасига смена билан дам олиш вақти қуидагиша:

$$T_{СУТКА} = \frac{T_3 + \left( \frac{T_3}{T_S} \right)^3 + T_3 \cdot 0.25}{25} (coat) \quad (3)$$


Фавқулодда вазиятни бартараф этишнинг умумий вақти, қутқарувчиларнинг дам олиш вақтини ҳисобга олганда қуидагини ташкил қиласи:

$$T_{УМУМ} = T_3 + T_{СМЕХАЛАР} T_{ЧАС} + T_{СУТКА} 12 \quad (4)$$

Шундан келиб чиқсан ҳолда, вақтинчалик дислокатсия жойида кутиш каби вақт параметрини топиш таклиф қилинди:

$$\begin{aligned} T_{\Phi, B} &= T_1 + T_2 + T_3 \\ T_{\Phi, B} &= T_1 + T_2 + T_3 + T_{KB} \end{aligned}$$

Буерда,  $T_{\Phi, B}$  – фавқулодда вазиятни бартараф этиш вақти,  $T_1$  – тезкор вазиятни аниқлаш вақти,  $T_2$  – бошқарув қарорини қабул қилиш вақти,  $T_3$  – қабул қилинган қарорнинг бажарилиш вақти,  $T_{KB}$  – вақтинчалик дислокатсия жойида кутиш вақти.



1-расм. Авария-қутқарув бўлинмалари иши самарадорлигини, энг кам (минимал) ва энг кўп (максимал) етиб келиш вақтини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш натижалари.

Бу ҳолатда, фавқулодда вазиятни бартараф этишга сарфланадиган вақт қуидагини ташкил қиласи:

Олиб борилган таҳлиллар натижасида, тезкор вақт, қўмондон ва штабга вазиятнинг реал шароитларида бошқариш бўйича тадбирларнинг бутун ҳажмини (фақатгина ўкув машқида бажарилганини эмас) бажариш, бўлинмаларга эса

авария-қутқарув ишлари ва қўйилган вазифаларни бажаришига керак бўлган вақтдан келиб чиқсан ҳолда белгиланиши аниқланди.

Молиявий ва моддий ресурслар заҳираларини амалий яратиш бўйича ишлар, доимий равища моддий ресурслар заҳираларини номенклатурасини такомиллаштириш(ресурсларнинг зарур ҳажмдаги заҳираларини,фавқулодда вазиятлар юзага келиш эҳтимоли жуда юқори бўлган туманларга олдиндан тўплаш) йўналиши олиб борилиши кераклиги аниқланади. Ресурсларни олиш манбаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамда бунинг асосида таъминлаш режаларини ишлаб чиқиши зарур. Моддий ресурсларни олишнинг қўшимча манбаларини топиш талаб этилади. Барча эҳтиёжларни бир вақтнинг ўзида қониқтириш мумкин бўлмаганлиги туфайли,моддий ресурсларни харид қилишининг аста-секинлиги,кетма-кетлилиги, мавжуд молиявий ресурслар ва бошқа имкониятларга қараб уларни ишлатиш аниқланадиган режалар тузилади.

Ўқув машқларининг самарадорлиги асосан, бошқарув қарорлар қабул қилинишининг тезкорлиги, бўлинмалар куч ва воситаларининг оқилона тақсимланиши ва фавқулодда вазиятларни олдини олиш, бартараф этиш давлат тизими бошқарув органлари ҳаракатларининг самарадорлигига боғлиқлиги келтирилган. Самарадорликни баҳолашда, барча талаб этилган ишлар фавқулодда ва кризис вазиятнинг ривожланишига ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган стратегияга мос равища бажарилиши талаб этилади.

Шундай қилиб, ўқув машқларини ўтказища қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли ташкил этилиши ва бўлинмаларнинг самарали ўзаро хамкорлигини таъминлаш учун қўйидаги тавсиялар таклиф қилинган:

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш штабини ташкил қилиш ва бошқарув тизимини қайтатузиш; моддий-техника ресурсларининг сарфланиши бўйича илмий меъёрлаш ва тажриба маълумотлари асосида бўлимларнинг уларга бўлган асосли эҳтиёжини аниқлаш;

Худудларнинг транспорт тизими, географик жойлашув, логистика салоҳиятининг мавжудлиги, хавфсизлиги ва турлихил фавқулодда вазиятларга нисбатан заифлигини ҳисобга олган ҳолда моддий таъминот логистика марказларини оқилона тақсимлаш.

**Хуноса:** Фавқулодда ва кризис ҳолатларда тезкор вазиятни ҳисобга олган ҳолда қўмондонлик-штаб ўқув машқларини ташкиллаштириши ва ўтказилишини такомиллаштириш борасида қўйидаги ҳуносаларга келинди:

1. Ўқув машқларига тайёргарлик қўриш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишга мўлжалланган бўлинмаларнинг, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда зарур моддий ресурслар билан таъминлаш

даражасини ошириш имконини берувчи куч ва воситалари ҳисобланиши борасида аниқлк киритиш;

2. Худудий бўлинмаларнинг моддий ресурслари захираларини оқилона тақсимлашнинг математик модели ишлаб чиқилган бўлиб, бу фавқулодда зонага маблағларни етказиб бериш учун вақт ва масофани оптималлаштиришга имкон беради, бу эса ўз навбатида моддий ресурсларни тақсимлашнинг етарлилиги ва ратсионаллигини таъминлайди ва инсон ҳаёти учун бевосита хавфни зудлик билан бартараф этади ва соғлиқ, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш, унинг қўламини минималлаштириш ва устувор ҳаётни қўллаб-куватлашни ташкил этиш.

3. Ўқув машқларида қатнашадиган худудий бўлинмалар ўртасидаги ўзаро хамкорликдаги харакатларини ташкил қилиш бўйича, фавқулодда ва кризис вазиятлар юзага келганда бошқарув қарорларини қабул қилиш ва тезкор жавоб қайтариш самарадорлигини оширишга имкон берувчи тавсиялар ишлаб чиқилган.